

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ ВА ЎҚИШ НУТҚ ФАОЛИЯТЛАРИГА ОИД МАШҚЛАРНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАСНИФИ.

Irodaxon Mirzayeva Xamdamovna

Qo'gon universiteti Andijon filiali

irodaxonmirzayeva89@gmail.com

tel.916162700

Аннотация: *Тил ўқитиш шарт-шароитларининг тизимини яратиш муаммоси амалий ва назарий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади. Унинг муҳимлиги чет тиллар ўқитишда амалий методиканинг бугунга қадар етарли, маълум мақсадда ёъналтирилган тўла машқлар тизимига эга эмаслиги билан белгиланади.*

Калит сўзлар: “Тизим”, “Кичик тизим”, “тип-тўплам”, “Серия”, “Сикл”, “Экстралингвистик”, “Лингвистик”, “рецептив нутқ”.

Биз машқ деганда нутқ ёки тилга оид ишларни бир неча махсус ташкил қилган ўқув шароитида бажарилишини тушунамиз. Методик адабиётларда чет тилини ўқитишда машқларнинг мақсад вазифасини аниқлашда уларни белгилаш ва турли ёндашишлар мавжуд.

К.Д.Ушинский кўрсатганидек, машқларнинг маълум тизим ҳамда бўлишлиги уларнинг муваффақиятли қўлланишининг энг биринчи ва асосий хусусиятидир. Машқлар тизининг камчилиги эса кўп сонли ва кўп вақт бажара оладиган машқларнинг яхшимаслиги натижалар бермаслигининг асосий сабабидир. Тил ўқитиш шарт-шароитларининг тизимини яратиш муаммоси амалий ва назарий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади. Унинг муҳимлиги чет тиллар ўқитишда амалий методиканинг бугунга қадар етарли, маълум мақсадда ёъналтирилган тўла машқлар тизимига эга эмаслиги билан белгиланади. Чет тили ўқитишда қўлланиладиган машқларнинг айрим тил ва турлари қанчалик самарали бўлса, улар тил ўргатишдаги муваффақият фақат машқларнинг самарали тизимни таъминланиши мумкин. Бу муаммо назарий жиҳатдан энг мураккаб ҳисобланади. Бугунги кунда охиргача ҳол қилинмаган методиканинг вазифалари сифатида машқлар тизимидаги қуйидаги тушунчалар “Тизим”, “Кичик тизим”, “тип-тўплам”, “Серия”, “Сикл”, “Машқлар гуруҳи” каби тушунчаларнинг маъносини қуйидаги мисолда кўрсатамиз.

Чет тилларни ўқитишда қўлланиладиган машқлар тизимига 4 та кичик тизимдаги машқлар киради:

1. Гапиришни ўргатадиган машқлар
2. Тинглаб тушунишни ўргатадиган машқлар

3. Ўқишни ўргатадиган машқлар

4. Ёзувни ўргатадиган машқлар

Ҳар бир кичик тизимдаги машқлар ўз навбатида бир неча хусусий кўникмаларга ўргатадиган машқлар йиғиндисини ўз ичига олиши мумкин. Ҳар бир машқлар тўплами нутқий ва техникавий малакаларни ўргатадиган учта машқлар сериясидан ташкил топади.

Ҳар бир машқ кичик тизимни тузишдаги биринчи методик тамойил машқларнинг асосий тиллари ва турларини ўргатаётган нутқ фаолияти тури психолингвистик характеристикаларига мос келишлик тамойили ҳисобланади. Ушбу тамойилга мувофиқ гапиришни ўргатадиган машқлар кичик тизимда гапиришда қўлланиладиган каммуникатив машқлар, ўқишни ўргатадиган машқлар кичик тизимда ўқишда қўлланиладиган коммуникатив машқлар асосий ўринни эгаллаши керак. Машқлар тузишда қўлланиладиган иккинчи тамойил-ўқув жараёнида турли нутқ фаолияти турларини бир-бирига ижобий таъсир этишларини ҳисобга олишлик тамойилидир.

Гапириш ← тинглаб тушуниш
 Гапириш ↔ ўқиш, ўқиш ← ёзув, →
 Гапириш ← ёзув
 Тинглаб тушуниш ↔ ўқиш

Машқлар тизими машқ турларига бўлинади. Машқ тиллари эса ўз ичига машқ турларини олади, ёки тилларни машқ турларининг йиғиндисидир. Битирув малака ишининг II ва III бобларида нутқий фаолият турларида машқларнинг психолингвистик таснифини кўриб чиқар эканмиз, аввало мана шу нутқий фаолият турларининг психологик жихатларини, кейин эса уларга оид лингвистик, яъни тил машқларини кўриб чиқамиз.

Психолингвистика ёрдамида биз иисон огзаки/ёзма нутқда иштирок этувчи тил бирликларининг нутқ мазмуни ва мақсадига мос килиб танланилишига ва қўлланилишии такозо этувчи ҳам психологик, ҳам лингвистик омилларни очиб беришга хизмат килади. Масалан: узбек, тилидаги лугат бирлиги "ота" сузини гапдаги катта хис-хаяжон ва эхтирос билан хайратланиб айтилган "Ота!?" деб айтилишини таккосласак, биз "Ота!?" айтимиз нутқда эхтиросга, рухиятга асосланиб сузловчи/ёзувчинг тегишли ички рухий кечинмаларидан келиб чикиб танлаб қўлланилганлигининг гувоҳи буламиз. Демак, психолингвистика киши рухияти билан боглик холда бевосита куриладиган ва кулланиладиган тил бирликларини танлашда хал килувчи омилларини ўрганувчи оралик фандир.

Ўқувчи нутқни тинглаб тушунганда асосий вазифа: таниш лексик, грамматик, фонетик материаллар асосида нотаниш мазмунли нутқни тинглаб, нутқ вазиятидан фойдаланиб, янги маълумот олиш, нотаниш мазмунни тушуниш

вазифаси туради. Юқори синфлар учун қисман нотаниш сўзлар тингланаётганда фаҳмлаб тушунишга қолдирилади.

Ўқувчи, талаба нотаниш мазмунли нутқни тинглаганда эса:

- 1) Айрим сўзларни, гапларни, жумлаларни тушуниши (fragmenting comprehension)
- 2) Асосий далил фикрларни юзаки тушуниши (over all comprehension)
- 3) Хамма далил фикрларни тўлиқ тушунишлари (comprehension in details),
- 4) Танқидий тушуниш (critical comprehension) содир бўлади. Ўқитувчи тинглаб тушунишни ўргатаётганда юқоридаги механизмларни 4хил тушунишни ҳисобга олиш керак.

Қуйи синф ўқувчиларида қисқа муддатли хотира яхши ривожланган бўлса, юқори синфларда эса давом этган хотира яхши ривожланган бўлади. Тинглаб тушунишда давом этган хотира зарурдир, шу сабабдан қуйи синфдаги қисқа муддатли хотирани ўқитувчи давом этган хотирага айлантиришга интилиши керак. Ўқитучи ўқувчиларнинг ёки талабаларнинг ёши, билими, синфи, ўрганган материалларини ҳисобга олиб мант, нутқ тайёрлайди, яъни мант тузади. Уларда нотаниш лексика, грамматика, нотаниш шаҳарларнинг номи бўлса олдиндан талаффузини, ўқилишини, маъносини ўргатади. Учтагача сўзларни таржимасини, жой, шаҳарларни номини доскага ёзиб қўйилиши хато бўлмайди. Матнни ўқитувчи ёки талаба тинглаб тушунаётганида учрайдиган психологик қийинчиликларни аниқлаш, уларни йўқотиш йўллари топиш, тинглаш воситалари (техник, тинглаш ва кўриш воситалари ҳамда бошқалар) ни олдиндан тайёрлаш зарур.

Тинглаб тушунишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Уларга 2 та, экстралингвистик ва лингвистик қийинчиликлар.

Экстралингвистик қийинчиликларга:

1. Тинглаётган нутқ механик нутқ бўлишлиги. Фанограммадан, видеофанограммадан нутқни тинглашлик.
2. Сўзловчининг ўзидан жонли нутқни тинглашлик
3. Нутқнинг тембри
4. Нутқнинг тезлиги
5. Нутқнинг кимгадир, нимагадир қаратилган бўлишлиги
6. Тингланаётган шароит, вазият, синфда ўқувчи, талабаларнинг интизоми, шовқини, уларнинг кўп-камлиги.
7. Нутқ эҳтиёжи бўлиши
8. Ўқувчи талабанинг диққати
9. Нутқнинг бир ёки бир неча марта тингланишлиги
10. Тинглаб тушунишда таянч воситаларнинг, мазмуни расмларнинг бўлишлиги киради.

Лингвистик қийинчиликларга:

1. Нутқнинг монолог, диалог, шаклида бўлишлиги.
2. Фонетик қийинчилик, сўзларнинг тўғри талаффуз қилиниши.
3. Лексик қийинчилик, сўзлар таниш, кўп маъноли бўлишлиги, конверсия.
4. Граматик қийинчиликлар-замонлар граматик шакллар, гап тузулишларнинг таниш бўлишлиги.

Грамматик қийинчиликлар тушунишни қийинлаштирувчи ва қийинлаштирмайдиган бўлади. Сифат қўшимчалар, феълларнинг шакл қўшимчалари тушунишни қийинлаштиради. Замонлар, сўроқ гаплар, гапларни синтаксис томондан мураккабликларини тушунишни қийинлаштиради. Нутқни умумий мазмунини тушунишга лексик қийинчиликлар таъсир қилади.

4. Стилистик қийинчиликлар. Нутқни шева ёки адабий тилда бўлишлиги.

Тинглаб тушунишга оид лингвистик (тил) машқлари хусусида тўхталишдан аввал тил машқларининг ўзи ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Тил машқлари тил материалларини ўргатиш, ўзлаштиришни, уларни ўргатишдаги қийинчиликларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун улар лексика, грамматика, фонетика ёки талаффуз, орфографияни ўргатиш машқ турларига бўлинади.

Тинглаб тушунишга оид тил машқлари қуйидагилардир.

- 1) фонетик машқлар, сўзларни тинглаш: қуйидаги desk, pen, ten, bag сўзлари ичида {æ} товуши бор сўз бўлса, қўл кўтаринг.

Товушлар сўзларда берилади, ўрганаётган товушни ўқувчи эшитиб билиб олиши зарур. Масалан, map, ten, bird сўзларида {æ} товушни қайси сўздалигини топиши керак.

Ўқувчи эшитиб тинглаб маълум товуш, товуш бирикмасига интонация, урғуга эътибор беради.

Ўқувчиларга кўпроқ жумлалар, шеърлар, матнлардан парчалар берилиб, тинглатилиб, ўқувчилардан товушларни тўғри эшитиб, мазмунни тушуниш талаб этилади.

Товуш ва товуш бирикмаларининг фарқини топиш талаб этилади. Ўқувчиларга турли товуш бирикмаларни, сўзларни тинглатиб, фарқи топилади.

Ўқувчилар товуш, товуш бирикмаси, сўзларни тинглаб уларнинг талаффузини ёдда тутишга ҳаракат қиладилар.

Ўқувчилар фақат товуш, товуш бирикмасини тинглаб, паузада такрорлайдилар, тақлид қилиб қайтадилар.

- 2) Лексик машқлар: Қуйидаги сўзларни тингланг, ичидан а боу сўзини топинг: a baby, a box, a toy, a boat, a boy, a girl;

Ўқитувчи янги сўз билан савол беради. Ўқувчилар мантидан топиб, ўқиб берадилар.

Қуйидаги сўзларни тингланг ва ичидан сифат сўз туркумига оид сўзларни топинг.

read, red, big, bag, bed, bad,

1) Граматик машқлар: Сўзларни тингланг ва кўпликдагисини топинг.

a desk, tables, a book, a box, pens, books;

қуйидаги гапларни танланг ва ўтган замонга тегишлисини топинг.

I wrote a letter

He wants to be a teacher.

I like flowers.

Қуйидаги сўзларни тингланг ва уларнинг антонимини айтинг.

Big, bad, small, high

Қуйидаги текстни тингланг ва мантидаги феъл сўз туркумига оид сўзларни топинг.

Қуйидаги сўзларни тингланг ва фақат бирликда қўлланиладиган сўзларни топинг.

apple, army, police,

Қуйидаги текстни тингланг ва ўтган замонга тегишли гапларни топинг.

Лингвистик машқларига хотирани ривожлантиришга қаратилган машқларни ҳам киритиш мумкин. Масалан: сўзларни тингланг ва эсда сақлашга ҳаракат қилинг ёки тингланг, сўзларни қайтаринг.

Ўқиш рецептив нутқ фаолияти ҳисобланиб, у ёзма нутқни идрок қилиш ва тушунишдан таркиб топади. Кўриб қабул қилинадиган матнни тушуниш учун сўзларнинг ёзув тасвирларини, уларнинг товуш ҳаракат образлари билан, товуш-мотор образларини эса уларга мос келадиган товушлар билан мувофиқ келтириш керак.

Ўқиш жараёни боришини тасвирлаганда психологлар матнни тушуниш босқичларини ажратадилар. Масалан, А.Н.Сакалов тажрибаларининг натижаларига кўра, гапни тушуниш 3та босқичдан ўтади: 1-босқич-бутун гапнинг мазмуни ҳақида ўқувчи, талабада юзаки тасаввур ҳосил бўлади. Бу биринчи синтез деб аталади. Тушунишнинг иккинчи босқичи – аналитик босқич бўлиб, бу босқич ички ва ташқи нутқда тўла талаффуз қилиб айтиш билан боғлиқдир. Охири вергул учинчи босқич – жумла (гап)нинг тўла тушунадиган босқич ҳисобланади.

Ўқиш психологияси билан боғлиқ бўлган масалалар ўқиш нутқ фаолияти сифатида шаклланишида методик ишни ташкил қилувчи ўқиш механизмлари ёки операцияларини аниқлаш имконини беради. Бу нарса тилнинг ёзув тизимини эгаллашни, ҳарф ва товуш ўртасида аниқ боғланишини ишлаб чиқишни, сўзларнинг ўқиш қонунларини эгаллашни, уни маъно ва грамматик шакл билан мувофиқлаштиришни, сўзларни сўз бирикмаси, гап ва матн билан бириктиришни ўз ичига олади.

Психологик тадқиқотларни гувоҳлик беришича, ўқиш пайтида кўриш-ёзув ва нутқ-ҳаракат сезгилари ўртасида бевосита алоқа пайдо бўлади. Ўқишнинг

психофизиологик механизми кўриш-ёзув ва нутқ-ҳаракат сезгиларини ўз ичига олади. Уларнинг ўзаро бирга нутқ фаолиятида иштирок этиши ўқиш пайтида маълумот олишни ифодалайди.

Психологик нуқтаи назардан матнни тўғри талаффуз қилиб мазмунни тушунмай ўқиш бу ўқиш эмасдир. Ўқиш малака кўникмаларини ҳосил қилиш, кўриш, қабул қилиш, талаффуз, тинглаш, тушуниш жараёнларини бир-бири билан тўғри чамбарчас боғлаб, бир жараён ҳосил қила олишдир. Ўқиш асосида ёзма нутқни қабул қилиб, уни тушуниб етиш бўлиб, у рецептив нутқ фаолияти ҳисобланади. Ўқиш маълумот олиш оғзаки нутқга ўхшаб эшитиш, тинглаш орқали бўлмай, кўриш орқали бўлади, (яъни қайтадан гапириш, ичида ўқиш), лекин унинг афзаллиги шуки, қайтадан матнни кўриб, ўқиб қайтариш мумкин, оғзаки нутқда бундай бўлмайди. Сўзларни, гапларни ўқиш, талаффуз қилиш билан бир вақтда тушуниш ҳам содир бўлиши мумкин.

Ўқишни ўргатишда қўлланиладиган лингвистик (тил) машқлари тил материални тушуниш билан боғлиқ бўлган малакаларни ҳосил қилишга кўмаклашади. Тил машқлари ўқиш техникасини шакллантириш ва ривожлантириш, ўқишнинг тилшунослик ва психологик механизмларини барпо қилишга қаратилгандир. Ушбу машқлар воситасида ўқувчилар инглиз тили ҳарфларини бир-биридан ва ўзбек тили ҳарфларидан фарқлашга, уларни тўғри ўқишга ўрганадилар. Бундай машқлар орқали матнда учрайдиган тил материаллари устида иш олиб борилади. Улар нотаниш матндаги қийинчиликларни бартараф қилишга ва унинг нотаниш мазмунини тушунишга ўқувчи, талабаларни тайёрлайди.

Ўқишга тайёргарлик кўриш тил материални таниб олишни тезлаштирадиган, яъни унинг график (ёзма) шаклини товуш ва мазмун томони билан мувофиқлаштиришни таъминлайдиган машқларни ўз ичига олади. Ҳар қандай янги материал ўқиш жараёнини секинлаштиради, китобхонни айрим қисмларини қайта ўқишга мажбур қилади. Шу сабабли матнни ўқишдан олдин бажариладиган машқлар ҳарф-товуш нисбатини мустаҳкам ўзлаштиришга, ёзув материални яхши идрок қилишга, талаффуз малакасини, айниқса, нутқ оқимини синтакмаларга бўлиш малакаларини ҳосил қилишга, матн мазмунини таҳлил қилиш механизминини шаклланишига йўналтирилган. (қаратилган) бўлиши лозим.

Ўқувчи, талабалар ўқишни тил материални овоз чиқариб айтиш, уни эсда сақлаш ва таржима қилишда машқ сифатида қабул қилмаслиги керак. Ўқиш нутқ фаолиятининг тури сифатида ўз вазифасини бажара олиши учун ўқувчи, талабада етук китобхонга ҳос бўлган зарурий малака ва кўникмаларни ривожлантириш зарур

Ўқувчи, талабаларга матнларни ўқиш учун иложи бориша кўпроқ матнларни танлаш имкониятини яратиш лозим. Масалан, кўрсатилган 3та рўзнома

мақоласидан бирини уйда ўқиб келиш учун вазифа қилиб бериш. Ўқувчи, талабаларга ўз она тилида дуч келадиган вазифаларга ўхшаган топшириқлари бор матнларни ўқиш учун бериш керак. Масалан, матндан маълум маълумот олиш, матн ғоясини аниқлаш. Машқ қилишда ўқиш учун берилган янги матнни биринчи бўлиб ўқувчи. Талаба ўқиши керак, чунки у матндаги харф, харф бирикмалари сўзлари билан олдиндан таништирилган. Бу мустақил ўқишга ўргатади.

Дарсликларда “ўқинг ва таржима қилинг” каби машқлар кўп. Бундай машқларда матнни сўзма-сўз таржима, яъни битта гап ўқиб таржима қилиш ва яна ўқиб таржима қилиш мумкин эмас. Бунда ўқувчи, талабани бир тилдан иккинчи тилга ўтиш ва яна қайтадан инглиз тилида ўқиш, инглиз тилини ўрганишни секинлаштиради. Берилган машқдаги матнни ўқиётганда мумкин қадар кам она тилидан, таржимадан фойдаланиш лозим. Жуда зарур пайтда ундан фойдаланиш, ўқиб таржимасиз маълумот олишга ўргатиш лозим.

5-6-синфларда матнларни хаммаси овоз чиқариб ўқилади, 7-9 синфларда эса кўпинча овоз чиқармай ўқитилиб, бир қисми овоз чиқариб ўқиш орқали ифодали ўқиш ривожлантирилади. Берилган машқдаги матн мазмунини ўқиб таржимасиз тушунишга ўқувчиларни ўргатиш лозим.

Ўқиш билан боғлиқ бўлган қатор ташкилий жараёнлар катта аҳамиятга эга: матн доимо яхлит мазмунга эга, шунинг учун уни яхлит ҳолда бир марта ўқиш тавсия қилинади, битта матнни қайта ўқиганда ўқувчи, талабаларга бериладиган топшириқни ўзгартиришсиз қолдириш мақсадга мувофиқ деб топилмади, матнни тил материалини устида машқ қилиш тушунилмаслик керак.

Матнни биринчи булиб ўқитувчи эмас, ўқувчи ўқийди. Матнни ўқиш бўйича иш ўқишнинг у ёки бу тури доирасида амалга оширилади. Ўқиш жараёни ўқиш мақсади таъсирида пайдо бўладиган ўқувчи, талаба оладиган кўрсатма билан белгиланади. Ўқув шароитларида у ўқувчи, талабага бериладиган инструкция, яъни топшириқ, асосида шаклланади. Шунинг учун ўқиш бўйича ўтказиладиган ишга биринчи талаб сифатида ўқиш турига топшириқнинг мос булишлиги ҳисобланади. Ўқишга қўйиладиган иккинчи талаб, текшириш шаклининг ривожлантирилаётган ўқиш турига мувофиқ. булишлигидир.

Ўқишни фаолият тури сифатида машқ килдираётган пайтда С. К. Фаломкина томонидан тавсия қилинган қўйидаги йул-йуриқларга ўқитувчи амал қилиши керак.

1. Матнни ўқишдан аввал ўтказиладиган оғзаки иш матн мазмуни устида бўлмаслиги керак. Агар у матн мазмунини ўз ичига олса, унда тушуниб олиш учун ҳеч нарса қўлмайди ва матн ўз коммуникатив қийматини йўқотади.

2. Матнни назорат қилиш объекти булиб тил материали эмас, матн мазмунини тушуниш ҳисобланади.

3. Матнни илк бор ўқувчи, талабаларнинг ўзлари ўқишлари керак, бу нарса

укилаётган матн мазмунини мустакил тушунишга шарт-шароит яратади.

4. Битта матнни бир неча марта ўқиш мақсадга мувофиқ. эмас. Агар матннинг мазмуни тушунарли бўлса, қайта ўқиш матннинг қўяматини йўқртади ва у оддий овоз чиқариб ўқишга айланади. Агар ўқиш матн мазмунини чуқурроқ тушунишга қаратилган бўлса, қайта ўқиш узини оқлайди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Kotler, P., & Armstrong, G. (2018). Principles of Marketing. Pearson Education.
2. Chaffey, D., & Ellis-Chadwick, F. (2020). Digital Marketing: Strategy, Implementation and Practice. Pearson.
3. Scott, D. M. (2022). The New Rules of Marketing & PR. Wiley.
4. Ryan, D. (2016). Understanding Digital Marketing: Marketing Strategies for Engaging the Digital Generation. Kogan Page.
5. Google Digital Garage. (n.d.). Fundamentals of Digital Marketing. Google. Retrieved from <https://learndigital.withgoogle.com/digitalgarage>
6. HubSpot. (n.d.). The Ultimate Guide to Digital Marketing. Retrieved from <https://blog.hubspot.com>.
7. Moz. (n.d.). SEO: The Beginner's Guide. Retrieved from <https://moz.com/beginners-guide-to-seo>.
8. Social Media Examiner. (n.d.). Social Media Marketing Trends and Strategies. Retrieved from <https://www.socialmediaexaminer.com>
9. Neil Patel. (n.d.). Digital Marketing Blog & Resources. Retrieved from <https://neilpatel.com/blog>
10. Statista. (2024). Digital Marketing and Social Media Usage Statistics. Retrieved from <https://www.statista.com>